



Tibbiyotning oliy maqsadi — inson salomatligiga erishishdir
Высшее благо медицины — здоровье

ЎЗБЕКИСТОНДА СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ЗДРАВООХРАНЕНИЕ УЗБЕКИСТАНА



Газета 1995 йил октябрь ойидан чиқа бошлаган

E-mail: uzss@inbox.ru

2006 йил 29 август — 4 сентябрь № 35 (499)

Сешанба кунлари чиқади

АЗИЗ ЮРТДОШААР!

Бу йил Ўзбекистон халқи энг улуг, энг азиз шодиёна — Мустақиллигимизнинг 15 йиллик тўйини кенг нишонлайди. Ушбу шодиёна халқимизнинг асрий орзулари рўёбга чиққанлигининг ўн бешинчи нишонаси сифатида байрам қилинади. Мана шу давр мобайнида юртимиз чинакам бунёдкорлик майдони, изланишлар ва юксалишлар чўққисига айланиб қолди.

Тиббиётдаги ислохотлар кундан-кунга ривож топиб, юртимиздаги энг чекка қишлоқлар аҳли ҳам замонавий тиббиёт ютуғи ва малкали шифокорлар тажрибасидан баҳраманд бўлмоқда. Миллионлаб меҳнаткашлар орасида ўзининг фидойилиги, меҳр-муруввати билан юрт истиқболи, миллат равнақи, истиқлолнинг нурафшон келажаги йўлида шижоат кўрсатиб ишлаётган тиббиётчиларнинг ҳам борлиги, биз учун қувонарлиқдир.

Азизлар! Улуғвор байрам арафасида турар эканмиз, Сизларни энг азиз бўлган истиқлолимизнинг 15 йиллиги билан чин дилдан муборакбод этамиз. Барчангизга оилавий хотиржамлик, сихат-саломатлик ва омад ёр бўлишини тилаб қоламиз!

Ўзбекистон Республикаси
Соғлиқни сақлаш вазирлиги.

ВАШАН

Мен бугун туғилдим, келдим дунёга,
Биринчи бор тўйиб олдим ҳур нафас.
Аста разм солиб, она диёрга,
Севиб қолдим уни, айладим ҳавас.

Мамнунман шу юртда туғилганимдан,
Эркаланиб, ўйнаб, ўсдим нолимам.
Қўқларга учғум бор, хурсандлигимдан,
Сен — юртим, ҳаётим, сенсан калимам.

Бағри кенг диёрсан, поёнсиз Ватан,
Бир байт битолсайдим, сенинг шаънингга.
Қанотингга қувват бўлиб дафъатан,
Шухрат кўшай дейман, шон-шухратингга.

Барчага меҳрибон дўстсан, Ватаним,
Сен-ла мағрурдирмиз абадул-абад.
Энг улуг, энг қутлуғ сўзсан, Ватаним,
Бахтимизга омон бўлгин сен фақат.

Нурмат ОТАБЕКОВ,
Тошкент вилояти соғлиқни
сақлаш бошқармаси бошлиғи.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

«Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонини бериш тўғрисида

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг жаҳон миқёсидаги шон-шухратини юксалтириш, ислохотларни янада чуқурлаштириш борасида давлат ва халқ олдидаги улкан хизматлари, ишлаб чиқариш ва ижтимоий соҳалардаги узоқ йиллик қаҳрамонона меҳнати, халқимизнинг бебаҳо маданий-маънавий меросини сақлаш ва ривожлантириш ҳамда ёш авлодни ватанпарварлик ва халқларварлик руҳида, ҳар томонлама баркамол этиб тарбиялашга қўшган катта ҳиссаси учун куйидагиларга «Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони берилиб, олий нишон — «Олтин юлдуз» медали топширилсин:

Абдуллаев Абдугани — Республика «Усто» ижодий уюшмасининг Қўқон бадийи ишлаб чиқариш корхонаси ёғоч-ўймакор устаси

Абдуллахўжаева Малика Саматовна — Республика патологик анатомия маркази директори, академик

Илясов Баҳодир Қиёмович — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компаниясининг 214-машиналашган темир йўл станциясининг йўл соловчиси

Саматов Саме — Гулистон давлат университети қошидаги академик лицей директори, Сирдарё вилояти

Хайтметов Гулмат — Гурлан туманидаги «Хайтиммат ота» фермер хўжалиғи бошлиғи, Хоразм вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
2006 йил 25 август.



Абдуллаев
Абдугани




Абдуллахўжаева
Малика Саматовна



Илясов Баҳодир
Қиёмович



Саматов
Саме



Хайтметов
Гулмат



Айни пайтда юртимизнинг обрў-эътибори ва чиройи бутун дунёга таралмоқда. Айниқса, бири-биридан гўзал бозроғлар, замонавий иншоотлар, кенг ва рабон йўللар, хуллас буларнинг барчаси пойтахтимиз хуснига-хусн қўшяпти.

Ҳа, бир сўз билан айтганда, бундай ўзгаришлар гўёки мўъжиза. Аммо бу мўъжиза эмас, балки, она юртимизга, халқимизга Мустақиллик бераётган бебаҳо неъматнинг мевасидир.



ЮКСАК МУКОФОТ МУБОРАК!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг ўн беш йиллиги муносабати билан фан, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, санъат, маънавият ва маърифат, оммавий ахборот воситалари ҳамда ижтимоий соҳалар ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисида

Ватанимиз Мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг халқаро миқёсдаги нуфузини ошириш, халқимиз маданияти ва маънавиятини юксалтириш ишига қўшган салмоқли хиссаси, бетақрор истеъдоди, серқирра ижоди, илмий фаолияти, ҳалол хизмати билан эл-юрт ўртасида орттирган обрў-эътибори, фан, таълим, адабиёт, маданият, санъат, соғлиқни сақлаш, спорт ва ижтимоий ҳаётнинг бошқа соҳаларидаги кўп йиллик самарали меҳнати ҳамда жамоат ишларидаги фаол иштироки учун қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими»

Айтбоева Дилорам Ибадуллаевна — Қорақалпоғистон Республикаси Эллиқалъа туманидаги Ибн Сино қишлоқ врачлик пункти мудири
Пахомов Георгий Львович — Республика ихтисослаштирилган хирургия маркази хирурга

Халқимизнинг илм-зиё салоҳияти ва маънавиятини юксалтириш, фан, таълим, маданият, адабиёт, санъат, соғлиқни сақлаш соҳаларини ривожлантиришдаги катта хизматлари, Ватанимиз мустақиллигини, юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш ишига қўшган муносиб хиссаси ҳамда кўп йиллик жамоатчилик фаолияти учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Меҳнат шухрати» ордени билан

Абдуллаева Ўктамхон Ёқубжоновна — Наманган вилояти «Нуронийлар» савоат уйи катта ҳамшираси
Зуннунов Зокиржон Рўзиевич — Саломатликни тиклаш ва физиотерапия илмий текшириш институтининг Термиз филиали директори
Комилов Холиджон Маҳмаджонович — Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг офтальмология кафедраси мудири
Мамутов Рефат Шукриевич — Республика ихтисослаштирилган кардиология маркази бош врач
Саидхўжаева Жўраҳон Гофуровна — Андижон давлат тиббиёт институтининг хирургия кафедраси доценти

Тўйжоновна Ҳожинисо Хошимовна — Республика онкология илмий марказининг химиотерапия бўлими врач
Умедов Фахриддин Шокирович — Навоий вилояти Нурота туман Мурувват уйи терапевти

Файзуллаева Тамара Григорьевна — Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт-санитария бирлашмасининг санитария-эпидемиология станцияси бўлим мудири
Шоназарова Мавлуда Бурхоновна — Тошкент шаҳар 2-болалар мурувват уйи фельдшер

Шоҳобова Мунира — Тошкент шаҳар Учтепа туманидаги 8-оилавий поликлиника бош врач
Гафур-Ахунов Мирза-Али — Республика онкология илмий марказининг умумий ва болалар онкология бўлими раҳбари

Мамлакатимизда ҳар томонлама соғлом ва барқарол авлодни вояга етказиш ишига қўшган катта хиссаси ҳамда ёшларни Ватанга муҳаббат, иштиқол ғояларига садоқат, соғлом турмуш тарзи тамойиллари руҳида тарбиялашдаги хизматлари учун қуйидагилар мукофотлансин:

I даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Низаматдинова Оразгул Уснатдиновна — Қорақалпоғистон Республикаси Кегайли туман марказий шифохонаси бош шифокори

II даражали «Соғлом авлод учун» ордени билан

Макарова Татьяна Юрьевна — Тошкент шаҳар Учтепа туман поликлиникасининг умумий амалиёт шифокори
Махмудова Дилбар Иноятовна — Педиатрия илмий тек-

шириш институти директори
Махмудова Мадина Ориповна — Гематология ва қон куйиш илмий текшириш институти бўлим мудири

Тилавов Самариддин Ўролович — Республика болалар полиомиелит шифохонаси бош шифокори

Кобилова Ўғилой Ибрагимовна — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалининг реанимация бўлими катта ҳамшираси

Кудратов Орипжон Норматович — Сирдарё вилояти болалар шифохонасининг кардиоревматология бўлими мудири

Юртимизда тинчлик-тотувлик, миллатлараро дўстлик ва ҳамжихатликни мустаҳкамлаш, жамиятда меҳр-оқибат ва барқарорлик ғояларини қарор топтириш борасидаги хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида қўлга киритган ютуқлари билан Ватанимиз обрў-эътибори ва шон-шухратини юксалтиришга қўшган хиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Дўстлик» ордени билан

Волчек Татьяна Борисовна — «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акционерлик компанияси Самарқанд бекати бирлашган шифохонаси бош врач ўринбосари

Данелянц Каринэ Сергеевна — Тошкент шаҳар Ҳамза туманидаги 30-Меҳрибонлик уйи шифокор-педиатри

Касимова Стала Салиховна — Тошкент тиббиёт академиясининг Биоорган кимё кафедраси профессори

Сиротина Надежда Владимировна — Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги тиббиёт-санитария бирлашмасининг 1-Марказий поликлиникаси бўлим мудири

Юлдашева Нурия Залеевна — Қашқадарё вилояти болалар шифохонасининг чақаллоқ бўлими шифокори

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ва ижтимоий ислохот-

лардаги фаол иштироки, самарали меҳнати, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, миллий ва умуминсоний қадриятларга садоқат руҳида тарбиялаш ишига қўшган хиссаси учун қуйидагилар мукофотлансин:

«Шухрат» медали билан

Абдирайимов Ашир — Сурхондарё вилояти давлат санитария-эпидемиология назорат марказининг «Айритом» санитария назорат пункти бошлиғи

Абдуллаева Зевар — Урганч шаҳар марказий поликлиникаси маҳалла шифокори

Абдурахимова Турсуноий — Халқ таълими вазирлигининг А. П. Хлебущкина номидаги 22-Меҳрибонлик уйи шифокори

Агеева Татьяна Петровна — Республика онкология илмий марказининг онкогинекология бўлими врач

Болтаева Санобар Одилжоновна — Самарқанд вилояти ноғиронларни реабилитация қилиш маркази ҳамшираси
Деятов Василий Яковлевич — Тошкент тиббиёт академиясининг хирургия кафедраси доценти

Диёрова Шаролат — Травматология ва ортопедия илмий текшириш институтининг жароҳат бўлими катта ҳамшираси

Исмоилов Иброҳим Тожиевич — Қашқадарё вилояти Муборак тумани фельдшер-акушерлик пункти мудири

Кравченко Татьяна Григорьевна — Тошкент шаҳар онкология диспансерининг болалар онкология бўлими врач-радиолог

Мемджанова Алия Нуриевна — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Фарғона вилояти филиалининг лаборатория бўлими мудири

Муҳиддинова Матлуба Илёсовна — Тошкент вилоят онкология диспансерининг клиник-биохимия лабораторияси лаборанти

Никишин Алексей Геннадиевич — Республика ихтисос-

лаштирилган кардиология марказининг кардиореанимация бўлими врач

Попова Наталья Васильевна — Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институти бўлим мудири

Пўлатова Мунира Набибуллаевна — Тошкент шаҳар 1-болалар мурувват уйи ҳамшираси

Пўлатов Суннатилла Файзуллаевич — Республика ихтисослаштирилган кардиология марказининг функционал диагностика лабораторияси мудири

Султонов Худойберган — Қорақалпоғистон Республикаси Бөрүний туман марказий шифохонасининг терапия бўлими мудири

Сивороткин Михаил Васильевич — Республика ихтисослаштирилган урология марказининг анестезиология ва реанимация бўлими мудири

Тавбаева Махбуба Мирзахмедовна — Тошкент вилояти Ўртачирчиқ туманлараро силга қарши кураш диспансери ҳамшираси

Холматов Отикахон — Андижон вилояти Қўрғонтепа тумани Мурувват уйи тарбиячиси

Шокирова Дилбар — Сирдарё вилояти Янғиер шаҳар марказий шифохонаси врач-кардиолог

Ўроков Муқим — Қашқадарё вилояти Қамаш тумани марказий шифохонасининг хирургия бўлими мудири

Ғуломов Собир — Бухоро вилоят кўз касалликлари диспансери врач-офтальмолог

Ҳакимов Исмоил Фаттоевич — Наманган вилояти Қосонсой туманидаги Ободон қишлоқ врачлик пунктининг умумий амалиёт врач

Ҳодиева Малика Одилловна — Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Жиззах филиалининг тез тиббий ёрдам бўлими фельдшери

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри,
2006 йил 25 август.

И. КАРИМОВ.

Нажот деб аталган элим

Тонгларинг — толем,
боғларинг — бахтим,
Шамолинг шонимдур,
тоғларинг — тахтим,
Беморинг — кулфатим,
соғларинг — шахдим,
Юриб йўл бўлсам ҳам
йўлим сендадир,
Фарзанд деб аталган қўлим сендадир.
Бургут юксакликка ийдирар тинсиз,
Гўзаллар ошиқни суйдирар тинсиз,
Тарихинг гулҳани куйдирар тинсиз,
Куйиб кул бўлсам ҳам кулим сендадир,
Орзу деб аталган гулим сендадир.

Сени деб тебранар олтин бешиқлар,
Сени деб очилар тилсим эшиқлар,
Сени деб сочилар ялла, қўшиқлар,
Сарғайсам сахрою чўлим сендадир,
Нажот деб аталган элим сендадир.
Фурурга бергансан овоз, муаллим,
Қилчга қин, қушга парвоз, муаллим,
Ўзингсан дунёга устоз, муаллим,
Дулдуллар манзили дилим сендадир,
Булбул деб аталган тилим сендадир.

Одил ҲОТАМОВ,
Навоий вилояти,
Кармана тумани.

ХУШМУОМАЛАЛИК — МУҲИМ ФАЗИЛАТ

Шу йилнинг 11 август куни ишга кетаётиб, беҳосдан оёғим тойиб йиқилиб тушдим. Ўзимни ўнглай олмай чўккалаб қолганлигимдан ўнг оёғимнинг тизза соҳаси шилиниб жароҳатланди. Шу кўйи 3-4 кунда битиб кетди деган хаёлда оёғимдаги оғриқка жиддий эътибор бермасдан ишимни давом эттирвердим. Ишдан кайтган ҳам уй юмушлари билан овора бўлиб юрaverибман. Оёғимдаги оғриқ кучайган сари қадам босишим оғирлашиб борарди. Бундан ташвишланган оила аъзоларим мени тезда 1-Республика клиник шифохонасига олиб боришди. Тажрибали шифокор Ғолиб Қўзиев шикастланган оёғимни кўргач, жароҳатга инфекция тушганлигини айтиб, зарур бўлган муолажани бошлаб юборди. Оғриқнинг зўридан ўзингни

қўярга жой тополмай турганимда жонқуяр шифокорларнинг хушмуомалалиги, меҳрибонлиги, ўз ишига бўлган масъулияти руҳингни кўтариб, дардни тезроқ енгизишга ёрдам берар экан. Шифокорлик касбидаги муҳим фазилатларини врач-травмотолог Ғолиб Алишеровичнинг меҳнат фаолияти давомида кўриб, шундай қалби пок, самимий ва меҳнаткаш шифокорлар борлигидан мамнун бўлидим. Ғолиб Қўзиевнинг олиб борган муолажаларидан сўнг оёғимдаги жароҳат тезда битиб, соғайиб кетдим. Шу фурсатдан фойдаланиб мен уларга чин дилдан миннатдорчилик билдириб, масъулиятли ва шарафли ишларида омад, мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик тилаб қоламан.
Чекис хурмат билан
Нигора УЗОҚОВА,
Тошкент шаҳри.

Дил изҳори

Ислохот одимлари

Ватанга бўлган муҳаббат, фахрлиги ҳисси ҳар бир инсон учун энг азиз туйғу деб биламан. Юртимиз мустақилликка эришгандан сўнг айниқса, бу ҳиссиёт кучайиб, руҳий кўтаринкилик билан бошланган ишлар ўз маҳсулини кўрсата бошлади. Айниқса, соғлиқни сақлаш тизимига давлатимиз ва шахсан Президентимизнинг бўлган эътиборини алоҳида таъкидлаб ўтишни жоиз деб биламан. Чунки, давлатнинг келажаги буюк бўлиши учун аҳоли саломатлиги энг муҳим эканлигини Юртбошимиз доим эътироф этиб, халқ соғлиги учун барча имкониятларни яратиб бермоқда.

Президентимизнинг ташаббуси билан бошланган ислохот одимлари ҳамма соҳада туб бурилиш ясади. Шу жумладан, республика тиббиёт тизимида ҳам фахрланса арзиғулик ишлар амалга оширилди. Буларнинг барчаси Ватан равнақи йўлида бўлиб, унинг замирида бунёдкор халқнинг саломатлиги туради. Бундай соғлом маффурани яратиш бизнинг зиммамизда экан, бу шарафли ҳамда масъулиятли вазифани қанчалик уддалай олиш қалбимиздаги она юртга бўлган чексиз меҳримизда деб биламан.

Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда аҳолининг малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ва ижтимоий ҳимояга доир конституциявий ҳуқуқларини таъминлаш, шунингдек, тиббий хизматларнинг сифатини яхшилаш, ташкилий, иқтисодий ва ҳуқуқий шарт-шароитларни яратиш, соғлом авлодни тарбиялаш, соғлиқни сақлаш тизимини мамлакатда амалга ошириладиган ислохотларга мувофиқ ҳолга келтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони қабул қилинган эди. Мазкур Фармонда ислохотларни ўтказиш дастурининг тамоиллари ва унинг асосий йўналишлари ўз ифодасини топган бўлиб, улар куйидагилар:

- * соғлиқни сақлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий негизини такомиллаштириш;
- * шошилинч тиббий ёрдамнинг мутлақо янги, замонавий ва яхлит тизимини ташкил этиш;
- * аҳолига бирламчи тиббий санитария ёрдами кўрсатиш тизимини соддалаштириш ва умумий амалиёт шифокорига асосланган ҳолдаги тармоқланган кишлоқ врачлик пунктлари шахобчаларини ташкил этиш йўли билан, унинг самардорлигини ошириш;
- * оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимининг самардорлигини ошириш;
- * давлат томонидан кафолатланган тиббий ёрдам турларини бир қатор тиббий му-

ассасаларнинг босқичма-босқич пуллик тиббий хизматга ўтиши жараёни билан уйғунлашувини таъминлаш;

* тиббий хизматлар бозори ва нодавлат соғлиқни сақлаш тармоғини шакллантириш;

* мамлакатнинг барча минтақаларида санитария-эпидемиология фаровонлигини таъминлаш.

I. Меъёрий-ҳуқуқий негизни такомиллаштириш

Ўзбекистонда мустақиллик йиллари давомида соғлиқни сақлашнинг қонуний негизи яратилди. 1996 йили «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида»ги Қонун қабул қилинди. Кейинги йилларда эса «Давлат санитария назорати тўғрисида»ги шунингдек, ОИВ/ОИТС, сил дори воситалари ва бошқа муаммолар бўйича бир қатор қонунлар қабул қилинди. Соғлиқни сақлаш тизимининг меъёрий ҳуқуқий негизини янада такомиллаштириш учун Ўзбекис-

1991 йил 31 август юртимиз тарихида унутилмас санага айланди. Бу сана тарих зарваракларига олтин ҳарфлар билан битилди. Истиқлолга етишган халқимизнинг азалий орзу-ўмидлари рўёбга чиқди. Мамлакатимиз ҳаётида улкан ўзгаришлар сари қадам ташланди. Ҳар бир соҳада ўзига хос янгиликлар, кашфиётлар ва бунёдкорлик ишлари шижоат билан бошлаб юборилди. Йиллар ўтиб, Ўзбекистон мисли кўрилмаган даражада чирой очиб, дунё ҳамжамиятидан ўрин олди. Ўзбекистонни бутун дунё тан ола бошлади.

Мустақиллик шарофати билан республика тиббиёт тизимида ҳам оламшумул ўзгаришларга эришилди. Истиқлолимизнинг 15 йиллиги муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазири Феруз Гофурович НАЗИРОВ тизимда эришилган муваффақиятлар ҳусусида ўз фикрларини баён этди.

қонунчилик ҳужжатларини замонга мослаш ва жамиятдаги иқтисодий қайта янгилинишлар даражаси билан мувофиқлаштириш имконини берди. Президент Фармони қабул қилинган кундан бошлаб, соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш дастурини ривожлантириш учун 60 дан зиёд ҳуқуқий ва 120 та тармоққа оид ҳужжатлар қабул қилинди.

II. Шошилинч тиббий ёрдамнинг мутлақо янги, замонавий ва яхлит тизимини ташкил қилиш

бўлмаган.

Шошилинч тиббий хизмат (ШТХ)нинг ҳаммабўлиги, иқтисодий ва тиббий самардорлигига эришиш учун мазкур хизмат кўп босқич асосида ташкил этилди, ташкилий-таркибий даражаларнинг барчаси вертикал ва горизонтал алоқалари билан ташкилий-услубий жиҳатдан ягона хизматга бирлаштирилди. ШТХ таркиби, Тошкентдаги бош марказ, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази (РШТЭИМ)ни ўз ичига олади.

тишим мумкинки, бугунги кундаги мустаҳкам ва ўзаро фойдали ҳамкорлик биргина Тошкентдаги илмий марказлар ва клиникалардагина эмас, балки шу йили Наманган ва Новосибирск вилоятларининг ҳудудий соғлиқни сақлаш бошқармалари ўртасида ҳамкорлик қилиш ҳусусидаги битим имзоланди. Битим имзолангандан сўнг, 60 нафардан зиёд врач Новосибирск клиникаларида малака ошириб қайтди.

III. Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинини ислох қилиш


Соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинини ривожлантириш, айниқса кишлоқ жойлардаги аҳоли соғлигини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 21 майдаги 182-рақамли қароридан белгилаб қўйилганидек, соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш давлат дастурининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг бирламчи бўғинини ислох қилишга доир стратегияси Бутунжаҳон банки томонидан қўллаб-қувватланди. 1998 йилнинг ноябрь ойида Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ҳамда Халқаро ривожланиш ва тараққиёт банки ўртасида Фарғона, Навоий ва Сирдарё вилоятларидаги соғлиқни сақлашнинг бирламчи бўғинини ислох қилишга йўналтирилган «Саломатлик» лойиҳаси бўйича 4396 UZ рақамли заёмли битим имзоланди. Кўрсатиб ўтилган заёмли битимга 2003 йилнинг март ойида «Саломат-

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

Республикада шошилинч тиббий ёрдамни ташкил этишдан асосий мақсад, ҳаётга таҳдид солувчи ҳолатларда умумий тиббий хизматлар ҳажмининг ҳаммабўлиги ва бепуллигининг давлат то-

Республикада шошилинч тиббий ёрдамни ташкил этишдан асосий мақсад, ҳаётга таҳдид солувчи ҳолатларда умумий тиббий хизматлар ҳажмининг ҳаммабўлиги ва бепуллигининг давлат то-

Барча вилоят марказларида унинг филиаллари ташкил этилган, ҳар бир туман ва шаҳар марказий шифохоналари қошида унинг бўлимлари фаолият кўрсатмоқда. Шунингдек, шошилинч тиббиётнинг яхлит тизимига тез ёрдам хизмати ва санитар авиация ҳам киради. Ҳар йили 6 миллиондан зиёд аҳоли давлат томонидан кафолатланган бепул шошилинч тиббий ёрдамга эга бўлмоқда. Шошилинч тиббий ёрдам кўрсатиш сифатини бундан буён ҳам янада яхшилаш мақсадида тиббиёт ходимлари малакасини ошириш борасидаги ишлар яхши йўлга қўйилган. 1000 нафардан зиёд врачлар ва 2700 нафар ҳамширалар Ўзбекистон ва чет элдаги етакчи клиникаларда ўз малакаларини ошириб қайтдилар. Юқоридаги фикрларимиз тўғрисида сифатида шуни айтмоқчи-



нинг профилактикаси тўғрисида», «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида», «Алкоголизм, гиёҳвандлик ёки токсикоманияга учраган беморларни мажбурий даволаш тўғрисида»ги қонунлар шулар жумласидандир. Ўзбекистон Республикасининг «Инсон имун танқислиги вируси туфайли юзага келадиган касалликлар профилактикаси ҳақида»ги, «Гиёҳванд воситалар ва психотроп моддалар тўғрисида»ги, «Аҳолини силдан муҳофаза қилиш тўғрисида»ги, «Аҳолига кўрсатиладиган психиатрия ёрдами тўғрисида»ги, «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги қонунлари амалиётга жорий қилинди.

Соғлиқни сақлаш тизимининг меъёрий-ҳуқуқий негизини такомиллаштириш, соғлиқни сақлаш тизимидаги органлар ва муассасалар фаолиятини тартибга солиб турадиган меъёрий актлар ва

монидан кафолатланиши. Эътироф этиб ўтиш жоизки, ушбу хизматлар айна пайтда энг юқори замонавий даражаларда кўрсатилмоқда, аниқ ва бегараз ишлаб келмоқда.

Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш тизимидаги туб ислохотлар бошлангунга қадар (1999), шошилинч тиббий хизмат алоҳида тизим сифатида даволаш муассасаларида шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишнинг ягона услубиёти, бир бутун фалсафаси, яхлит миссияси мавжуд эмасди. Улардаги мутахассислар малакасининг даражаси, жиҳозланганлик, доридармонлар билан таъминланганлик ҳолати ҳам турлича бўлган. «03» тез ёрдам хизмати ҳам ташкилий томондан мустақил бўлган. Яъни ШТЭИМ ташкил этишнинг ягона таркиби, ШТХни ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона давлат сиёсати мавжуд



манки, соғлиқни сақлаш тизимининг йирик олим ва ташкилотчилари, Россия ва бошқа мамлакатларининг давлат арбоблари шошилинч тиббий ёрдам хизматининг фаолияти билан танишиб, амалдаги ишлар сифатига юқори баҳо беришди. Фахр билан ай-

лик-1» лойиҳасига камсувли минтақалар – Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти ҳам давлатнинг қарзли мажбуриятларини оширишга ҳолда заёмни тежаш ҳисобига киритилди. Лойиҳага Халқаро

(Давоми 4-бетда).

донорлик ташкилотлари (USAID, DFID, ЖССТ) жалб этилганлиги ва самарали харишлар қилинганлиги боис, заримла маблағларни тежаш имконияти туғилди.

Лойиҳада кўзда тутилган



асосий мақсадлардан бири Фарғона, Навоий, Сирдарё вилоятлари мисолида Ўзбекистон қишлоқ аҳолиси учун бирламчи тиббий ёрдамнинг кўргазмалли намунали моделини барпо қилишдан иборат эди. Ҳукуматнинг юқорида санаб ўтилган вилоятларни танлаб олиши, соғлиқни сақлаш тизимини қайта ташкил этишга қаратилган кенг миқёсли дастурнинг биринчи босқичи бўлиб, унда аҳоли сони кўлиги ва зичлиги, географик ихтисодий шароитлар ҳамда саломатлик кўрсаткичлари бўйича фарқланадиган вилоятларнинг иштирок этиши кўзда тутилган.

Ниҳоят, ушбу вилоятларда замон талаблари даражасидаги қишлоқ врачлик пунктлари барпо этилиб, улар «Саломатлик-1» лойиҳаси асосида зарурий тиббий асбоб-анжомлар билан таъминланди ва лойиҳа дастури асосида умумий амалиёт шифокорлари ва ҳамширалар ўқитилди. Ундан ташқари, бошқарув ва молиялаштириш ишлари ҳам йўлга қўйилди. Муҳим режалар асосида олиб борилган фаолиятлар ўзининг ижобий натижаларини бергандан сўнг, ушбу лойиҳа республикамизнинг ҳамма вилоятларида татбиқ этилди.

Айни кунда вилоятларда «Саломатлик-2» ҳамда Осіб тараққиёт банки томонидан «Аёллар ва болалар соғлигини мустаҳкамлаш» лойиҳалари бўйича ижобий ишлар амалга оширилмоқда.

Аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами кўрсатиш тизими ислоҳ қилинди, қишлоқ врачлик пунктлари тармоқларининг ташкил этилиши ва умумий амалиёт шифокори тизимининг жорий қилиниши туфайли аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат самарадорлиги ошди ҳамда барча қулайликлар яратилди. Айни кунда 2800 дан зиёд қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсатмоқда. Молиялаштириш ва бошқарув ишлари ҳам кенг доирада олиб борилиб, самарали натижаларга эришилмоқда.

IV. Аналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш

Истиқлол шарофати билан

(Давоми. Боши 3-бетда).

аналик ва болаликни муҳофаза қилиш масалалари давлат сиёсати даражасига кўтарилди ва бир қатор давлат дастурлари ҳамда қарорлари қабул қилинди. Соғлиқни сақлаш вазирлиги, бошқа вазирликлар, идоралар ва

ҳукуматга қарашли бўлмаган ташкилотлар билан бир қаторда қуйидаги дастурлар ва қарорларни ҳаётга жорий этиб бормоқда:

* 1998 йил 1 апрелдаги 140-рақамли «Она ва бола скрининги»;

* 2000 йил 15 февралдаги 46-рақамли «Соғлом авлод»;

* 2001 йил 5 февралдаги 68-рақамли «Она ва бола»;

* 2002 йил 25 февралдаги «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод саломатлигини мустаҳкамлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»;

* 2002 йил 5 июлдаги 32-рақамли «Соғлом авлод туғилиши ва тарбияси, аёллар саломатлигини мустаҳкамлаш, оилада тиббий маданиятни оширишга доир бирламчи йўналишларни жорий этиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида».

Дастурнинг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

1. Аҳоли репродуктив саломатлигини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш.
2. Она ва бола скрининги.
3. Тиббий маданиятни яхшилаш, репродуктив саломатликни муҳофаза қилиш соҳасида аҳоли билим даражаси ва мутахассислар малакасини ошириш, узлуксиз ўқитиш тизимини ривожлантириш.
4. Болаларни туғиш ва тарбиялаш, аёллар репродуктив саломатлигини яхшилаш бўйича халқаро ҳамкорликни кенгайтириш.
5. Болалар ва туғишга қўмаклашиш муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.
6. Республика гематология хизматини ривожлантириш.

Барча вилоятларда бирламчи санитария ёрдами муассасалари томонидан фертил ёшдаги аёлларни тиббий кўриқдан ўтказиш ишлари олиб борилмоқда ва туғиш оралиғидаги масофани узайтириш ҳамда исталмаган ҳомиладорликни олдини олиш мақсадида эхтиёжманд аёлларни контрацептив воситалар билан таъ-

минлаш йўлга қўйилган. Аналар ва болалар скрининги тизимининг такомиллашуви, никоҳдан олдин тиббий кўриқдан ўтказиш, 1 ёшгача бўлган болаларнинг патронажлик ва эмлаш ишларининг миқёси кенгайтириши ва бошқа муҳим тадбирлар туфайли чақалоқлар ва оналар ўлимнинг кескин камайганлиги эътиборга моликдир. 1998 йилдан бошлаб Ўзбекистон Республикасида наслик касалликлар билан болаларнинг туғилиши, уларнинг ақлий қоқоқлиги, шунингдек, ҳомиланинг ривожланишида аномалияларни аниқлаш мақсадида ҳомиладор аёлларни текшириш ва шу касалликларнинг олдини олишга йўналтирилган «Она ва бола скрининги» Давлат дастурини бажариш бўйича тадбирлар амалга ошириб келинмоқда. Шу жумладан, республикада замонавий 11 та «Она ва бола скрининг» маркази фаолият юритмоқда. Аналик ва болаликни муҳофаза қилиш муассасалари учун режа асосида зарур асбоб-ускуналар сотиб олинди. Наманган вилояти туманларидаги марказий шифо-

зология ва реаниматологияга доир долзарб муаммолар бўйича 2 ҳафталик семинар ўтказилди. Ўқувчилар учун репродуктив саломатлик бўйича ўтказилаётган факультатив курсларнинг сифатини яхшилаш мақсадида Халқ таълими вазирлиги билан ҳамкорликда барча мактаблар, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларида тиббиётчи мутахассислар томонидан ўтказилган факультатив курслари ташкил қилинди. 2003 йилдан бошлаб, Тошкент тиббиёт академияси «Соғлом авлод учун» НХХЖ билан ҳамкорлик қилиб келмоқда ва «Смайл Трейн» (АҚШ) ва «Фрилендорф Интернейшнл» (Германия) жағғармаларининг гранти доирасида барча вилоятлардаги кам таъминланган оилалардан 400 нафар бемор болаларга лаблар ва танглайларнинг туғма ёриқлари бўйича реконструктив-пластик операциялар ўтказилди.

РШТЁИМ базасида Жанубий кореялик мутахассислар иштирокида жағ-юз соҳаси ва кўкрак қафасининг туғма аномалиялари

ИСТИҚЛОЛ БЕРГАН ИМКОНИЯТ

хоналарнинг туғруқ бўлими 14 та ультратовуш аппарати ва 28 та кардиотахограф билан жиҳозланди. Самарқанд вилоятининг ҳомиладор аёлларга ёрдам кўрсатиш муассасалари учун 44 минг АҚШ доллари миқдорига тиббиёт ускуналари харид қилинди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикасининг Қораўзақ, Хоразм вилоятининг Хонқа,

мажмуд бўлган 19 нафар болада реконструктив-пластик операциялар ўтказилди.

Ўтган давр мобайнида туғруқхона ва болалар муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Республика перинатал маркази ишга туширилди. Наманганда Акушерлик ва гинекология илмий текшириш институтининг филиали, вилоят туғруқ



қўшқўпир ва Янгибозор туманларида ҳам ҳомиладор аёлларга ёрдам кўрсатиш бўйича замонавий мажмуалар фойдаланишга топширилди. 2002 йилда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш соҳасидаги мутахассислар учун Украинада таълимий дастурни ўташ давом этмоқда. Харьковда дипломдан кейинги таълим тиббиёт академиясида жами 215 нафар акушер-гинеколог ва педиатр ўз малакасини ошириб қайтди. 2003 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Европа анестезиолог ва реаниматологлари жамияти ҳамкорлигида Франция, Польша ва Россиялик етакчи олимлар иштирокида барча вилоятлардаги болалар муассасалари ва акушерлик мажмуаларидаги педиатр ходимлар учун акушерликдаги анестези-

ликада 5 йил ичида болаларнинг дифтерия (ич кетар) билан касалланиш ҳолати қайд этилмади.

Давлат дастурларини жорий қилиш оналар ва болаларни соғломлаштириш бўйича сезиларли равишда ижобий натижаларни берди. Аёлларни контрацептив воситалар билан таъминлаш 1991 йилдаги 13,0 фоиздан 2004 йили 62,4 фоизга ортди.

V. Давлат томонидан қафолатланган тиббий ёрдам турларининг айрим тиббий муассасаларни босқичма-босқич хизматининг пуллик шаклига ўтиш жараёни билан уйғунлашувини таъминлаш

Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги 2107-рақамли Фармонининг 3-иловасига мувофиқ босқичма-босқич пуллик хизмат кўрсатиш ва ўз-ўзини молиявий қоплаш турига ўтказилган даволаш-профилактика муассасаларининг фаолиятини доимий равишда мониторингини ўтказиш йўлга қўйилган.

Ҳозирги вақтда Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги 234 та даволаш-профилактика муассасалари пуллик хизмат кўрсатиш ва ўз-ўзини молиявий таъминлаш усулига ўтказилган ва 440 та ДПМлар қўшимча пуллик хизматлар кўрсатишмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги 3214-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастурининг бундан буён жорий қилиниши бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 17 мартдаги 140-сонли ва 2004 йил 8 июндаги 264-сонли Қарорларини бажариш бўйича ишлар давом эттирилди.

Соғлиқни сақлаш тизимида юқори технологияли ихтисослаштирилган тиббий ёрдам (хирургия, кардиология, урология ва кўз микрохирургияси) кўрсатаётган тўртта марказ янги бошқарув ва молиялаштириш шароитларида фаолият олиб бормоқда. Улар замонавий тиббий аппаратлар билан таъминланган.

2003 йилдан бошлаб республика ихтисослаштирилган марказларида беморларни даволаш ва ташхислашнинг стандартлари, тиббий хизматлар учун тарифларни ишлаб чиқилган ягона услуби тасдиқланган ва жорий қилинган.

Беморларни марказларга госпитализация қилишни тартибга келтириш мақсадида имтиёзли беморларга йўланма-лар бериш тартиби бутунлай қайта кўриб чиқилиб, тартиб-лаштирилган. Айни кунда ихтисослаштирилган марказлар халққа сифатли тиббий хизмат кўрсатиш ишларини фаоллик билан давом эттиришмоқда.

(Давоми 5-бетда).

VI. Соғлиқни сақлаш тизимининг нодавлат тармоғини ривожлантириш

Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишнинг бош жиҳатларидан бири, тиббий хизмат кўрсатишнинг давлат тармоғи билан тенг асосда рақобатлаша оладиган нодавлат тармоғини яратиш ҳисобланади.

Давлат даволаш-профилактика муассасалари билан бир қаторда, тиббий хизмат кўрсатишнинг хусусий тармоғи ҳам ривожланмоқда. Хусусий тармоқда тиббий хизматлар ташкил этилишини такомиллаштириш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан 2003 йил 31 октябрда «Тиббий ва фармацевтик фаолиятни лицензиялаштириш ҳақидаги низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги 477-қарори қабул қилинди.

Бугунги кунда Ўзбекистонда 1500 дан зиёд хусусий тиббий муассасалар фаолият кўрсатмоқда ва 1500 дан зиёд шифокорлар яқна тартибдаги иш фаолиятини амалга оширмоқда.

Хусусий тиббий тармоқ шахобчаларининг барқарор ривожланаётганлиги оқими қайд этилмоқда. Агар 2002-2003 йилларда Соғлиқни сақлаш вазирлигининг лицензиялаштириш комиссияси томонидан хусусий тиббий муассасаларга жами 412 та лицензия берилган бўлса, биргина 2004 йилнинг ўзида ушбу кўрсаткич 356 тани ташкил этди.

Юқорида баён қилинганларнинг бари тиббий хизматлар бозорининг вужудга келганидан далolat беради, бу эса давлат соғлиқни сақлаш тизимининг муқобили пайдо бўлди, деган маънони англатади. Аҳоли эндиликда давлат ва хусусий тиббий хизмат ўртасида


ди. Давлат санитария-эпидемиология назоратининг ўта эпидемик аҳамиятга эга бўлган объектлари: сув таъминоти, оқва сувлар, санитария тозалаш ишлари, болалар ва мактабгача тарбия, озиқ-овқат, даволаш-профилактика муассасалари, sanoat корхоналари ва қишлоқ хўжалик ишларидаги назоратнинг самарадорлиги оширилади.

Эпидемияга қарши ва профилактик тадбирлар мажмуининг ўз вақтида ва мақсадга йўналтирилган тарзда ўтказилиши натижасида республикада кўплаб юқумли касалликларнинг сезиларли даражада пасайишига эришилди. 2001 йили республикада Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг «Еввойи полиомиелит вирусидан озод мамлакат» сертификатига эга бўлди. 2004 йили қўшни мамлакатлардан полиомиелит кириб келишига йўл кўймастик учун Тожикистон ва Афғонистон билан чегарадош 8 та вилоятда эмлаш бўйича миллий қунлар ўтказилди. «Қизамиқ элиминацияси» дастури бўйича ишлар олиб борилмоқда. Сўнги йилларда республикада янги туғилган чақалоқлар орасида дифтерия, куйдириги ва қорқил касалликлари қайд этилмади. 1990-1997 йилларда вирус-

Соғлиқни сақлаш вазирлигининг саёй-харакатлари туфайли Ўзбекистон Республикаси ОИВ/ОИТС, сил, безгак касалликлари бўйича глобал жамғарманинг умумий қиймати 40 миллион АҚШ долларидан зиёд суммадаги жами

Республика тиббиёт тизимида санитария-эпидемиологик барқарорлик бўйича назорат қўлайитрилгани сабаб, ушбу йўналишда ижобий натижаларга эришилди.

Иқтисодий ўсиш билан боғлиқ ҳолда ва ўтказилаётган



3 та грантини қўлга киритди. Шунингдек қайд этиш лозимки, фақат 2 та мамлакат - Грузия ва Ўзбекистон мажкур 3 та касаллик бўйича Европа минтақасининг, шунингдек глобал жамғарманинг барча грантларига эга бўлишган. Ўзбекистон Республикасига

ислохотлар шарофати билан соғлиқни сақлаш соҳасида ижобий оқимлар яққол кўзга ташлана бошлади.

Аҳоли умрининг давомийлиги 1999 йили 1990 йилдаги даражага қадар тикланди ва у ўсишда давом этмоқда. Умумий ўлим

бейтга бахшида этган қанчадан-қанча шифокорларимиз ўтиб кетишди. Уларнинг фидойи меҳнатларини унутиш мумкин эмас. Фаолиятдагиларни эса қадрлаш муҳимдир.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида»ги 2005 йил 1 декабрдаги ПҚ-229-сонли Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 21 декабрдаги 276-сонли Қарорига асосан «Тиббиёт ходимлари меҳнатига ҳақ тўлашнинг такомиллаштирилган тизимини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарорига асосан соҳа вакилларининг ойлик маошлари оширилди. Бундан ташқари, тиббиёт ходимлари меҳнатины моддий рағбатлантириш мақсадида давлат бюджетидан тизимга қўшимча маблағ ажратилди. Ушбу Қарорнинг қабул қилиниши шифокорлар, айниқса, ўрта ва кичик тиббиёт ходимларининг меҳнатига бўлган масъулият ва касб маҳоратини янада оширишга сабаб бўлди.

Шунингдек, Республикаимиз Президентининг 2006 йил 23 январдаги ПҚ-266-сонли Қарорининг 3-бандига асосан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига «Тиббий ходимлар кўни касбий байрамининг тасдиқлаш тўғрисида»ги таклифи топширилган эди. Бу таклиф республикаимиз тиббиёт ходимларини янада руҳлантирди. Бу албатта Юртбошимизнинг касбимизга бўлган юксак ишончи, ғамхўрлиги ва хурматининг ёрқин ифодасидир. Дарҳақиқат, жорий йилнинг 25 август кўни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг еттинчи яқли мажлиси ўзинини бошлади. Унда фан, таълим, маданият ва спорт масалалари кўмитасининг мажлисида «Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кўнини белгилаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунчи қўриб чиқилди. Қўмиата аъзолари ушбу Қонун ноябрь ойининг иккинчи яқшанбасини «Ўзбекистон Республикаси Тиббиёт ходимлари кўни» деб белгилашнинг қўни қайд этдилар. Қўриниб турибдики, соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилишни бошлаб берган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги ПФ-2107-сонли «Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислох қилиш Давлат дастури тўғрисида»ги Фармони тиббиёт соҳасини тубдан ўзгартириш ва ривожлантиришдаги дастурий ҳужжат бўлиб, ноябрь ойи эса мамлакат тиббиёт тизимини ислох қилишдаги бошланғич сана бўлиб қолди. Шу боис, тиббиёт ходимлари кўнини ноябрь ойининг иккинчи яқшанбасида белгилаш ушбу сана янада байрамонга ўтказилишига сабаб бўлди.

Бу йилнинг ўзида хос ном билан аталиши ҳомийлар билан шифокорлар ўртасида узвий боғлиқлик ясади. Республикаимиздаги кўплаб тиббиёт муассасалари саховатпеша ҳомийлар маблағи билан қайта қурилади, таъмирланиб ишга туширилади.

Мен шу фурсатдан фойдаланиб, барча юртдошларимни Мустақилликнинг 15 йиллик байрами билан самимий кутлайман. Уларга саломатлик, oilаларига тинчлик-хотиржамлик, ишларига эса омад тилаб қоламан.

**ИСТИҚЛОЛ
БЕРГАН ИМКОНИЯТ**

ли гепатит билан касалланиш кўрсаткичлари 100 минг аҳоли жон бошига 627,3 фоиздан 882,0 фоизгача ташкил этган. Вирусли гепатит билан касалланишнинг 2004 йилги кўрсаткичлари 100 минг аҳоли жон бошига 149,8 фоизгача пасайди.

келтириляётган ва шу ерда ишлаб чиқариляётган озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги ҳамда сифатини таъминлаш муаммоларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2004 йил ичида Давлат санитария-эпидемиология назорати органлари томонидан 84 тоннадан

холати даражаси сўнги 10 йил ичида 17 фоизга (минг киши бошига 6,4 дан 5,3 гача) пасайди.

«Сэйв чилдрен» мустақил хайрия ташкилотининг маълумотига кўра, Ўзбекистон жаҳондаги 125 та мамлакатлар орасида аёллар учун қўлай шароитларни яратиш даражаси бўйича 19-ўринни эгаллаб келмоқда ва оналикни муҳофаза қилиш бўйича 27-ўринда турибди. Бу эса Марказий Осиёдаги энг яқши, МДХ ҳамда Осиёдаги энг юқори кўрсаткичлардан бири ҳамдир.

Жорий йилнинг Ҳомийлар ва шифокорлар йили деб аталаш республикаимиздаги тиббиёт ходимлари зиммасига янада масъулият юклади. Утган Сихат-саломатлик йилида тизимда кенг қўламли ишлар бажарилди. Эришилган ютуқларга Президентимиз ўзининг холис баҳосини бериб, Конституциянинг 13 йиллигида тиббиёт ходимлари меҳнатини алоҳида эътибор этди. Айниқса, Юртбошимизнинг: «Мана биз уста пахтакор, галлакор, ишчи ёки курувчиларимиз меҳнатини улуғлаб, уларга қаҳрамонлик увонларини берамиз, керак бўлса ҳайкаллар ўрнатамиз. Бу инсонлар шундай юксак иззат-хурматга арзийди, албатта. Аммо машаққатли меҳнати бошқа соҳа вакиллариникидан асло кам бўлмаган шифокорларга - Ибн Сино бобомизни ҳисобга олганда, бирорта ҳайкал қўйилганини эслай оламизми? Бинобарин, нафақат давлатимиз ва жамиятимиз, балки барчамиз тиббиёт ходимлари олдида ҳали қарздор эканимизни унутмаслигимизни истардим», деган фикрлари республика тиббиёт ходимларининг руҳини кўтарди. Ҳақиқатда ҳам, бутун умрини тиб-

ЙИЛЛАР САРҲИСОБИ

* 2-сонли Тошкент вилояти клиник шифохонаси базасида Республика наркология марказини ташкил этиш тўғрисида»ги 2001 йилнинг май ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 11 май 2001 йилги 254-сонли Фармойиши ва Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 17 май 2001 йилги 214-сонли буйруғига асосан Республика наркология маркази ташкил қилинди.

* 2002 йилнинг 22 августида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 298-сонли «Тез тиббий ёрдам хизматини 2003-2005 йилларда ривожлантириш ва моддий-техник базасини муостаҳкамлаш тўғрисида»ги Қарори қабул қилинди. Бунга асосан тез тиббий ёрдам хизматининг моддий-техник базаси ривожлантирилмоқда. 2002 йилдан бугунги кунгача бюджет маблағи ҳисобига 383 та тез ёрдам машиниси харид қилинди, 130 та машина эса ҳомийлар томонидан тақдим этилди.

* 2003 йилда Навоий вилоятида аёллар репродуктив маркази ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида 2-Республика сил касалликлари шифохонаси ташкил қилинди.

* 2005 йилнинг январь ойида Жиззах вилоятида замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган вилоят ташхис маркази, шунингдек, август ойида Навоий вилоятида «Она ва бола» вилоят скрининг маркази ташкил қилинди.

* 2006 йилнинг май ойида Бухоро вилоятида замонавий тиббий аппаратлар билан таъминланган вилоят ташхис маркази ташкил этилди.

* Қашқадарё вилоятида жорий таъмирдан чиққан янги технологиялар билан таъминланган вилоят кардиология диспансери ишга туширилди.

Ўзига маъқулини танлай олиш имкониятига эга бўлди.

VII. Санитария-эпидемиологик барқарорлик

Давлат дастурининг асосий йўналишларидан бири мамлакат аҳолисининг санитария-эпидемиологик барқарорлигини таъминлашдан иборатдир. Санитария-эпидемиология хизмати томонидан 2004 йили қўшни республикалар ва хориж мамлакатларидан республика худудига ўта хавфли инфекциялар ва бошқа карантинли касалликлар тарқалишининг кириб келишига, шунингдек, ўткир-ичак, безгак, вирусли гепатит ва бошқа юқумли касалликлар бўйича маҳаллий эпидемик асоратларнинг ўсишига йўл қўйилма-

Республикада вирусли гепатитнинг В турига қарши давлат даражасидаги профилактик ишлар ўтказилмоқда. 2001 йилнинг октябр ойидан бошлаб, барча янги туғилган чақалоқларни вирусли гепатит В га қарши эмлаш ишлари бошлаб юборилган. Мана шу тадбирлар туфайли вирусли гепатит В билан оғриган беморлар сони 2004 йили 1991 йилга нисбатан 11,3 мартага камайди. Карантинли ва ўта хавфли инфекцияларнинг кириб келиши ва тарқалишига йўл қўймастик мақсадида республиканинг давлат чегаралари кесилмаган жойлардаги худудларида 96 та санитария-назорат пунктлари ташкил этилган ва иш олиб бормоқда. Республиканинг чўл ва тоғ худудларидаги ўлат эпизоотиясини ўрганиш бўйича 34 та махсус бригада ўлатнинг тиббий ўчоқларида иш олиб борган.

ортиқ озиқ-овқат маҳсулотлари, шу жумладан, амалдаги санитария меъёрлари ва қоидаларига биноан, 48 тонна хавфсизлик ўлчовлари бўйича мувофиқ келмайдиган импорт маҳсулотлари истеъмол учун яроқсиз деб топилди. Аҳолида учрайдиган йод танқислиги ҳолати ва камқонлик (анемия)нинг олдини олиш мақсадида 5 та минтақада (Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Жиззах, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида) қалы-йодат қўйилган тузлар ва темир ҳамда витаминлар билан бойитилган ун ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Санитария-эпидемиология хизмати томонидан йодланган туз сотиш устидан қатъий назорат ўрнатилган. Текширишлар натижасига кўра йод миқдори паст ёки умуман маъжуд бўлмаган 850 тоннадан зиёд тузлар сотувдан олиб ташланган.

(Давоми. Боши 4-бетда).

Қорақалпоғистон Республикаси

МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ




Марияш ТУРИБЕТОВА,
Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни
сақлаш вазири.

Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди, капитал қўйилма маблағлари ҳисобига 1-сонли Республика касалхонасининг I биносида 350 миллион сўмлик, II биносида 340 миллион сўмлик таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилиб, 70 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар ҳамда қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминланди. Республика болалар касалхонасининг I ва II биноларида 360 миллион сўмлик таъмирлаш ва реконструкция ишлари амалга оширилиб, бюджетдан ташқари маблағ ҳисобидан 47 миллион сўмга жиҳозлар олиб берилди. Республика 2-сон касалхонаси қошида 15 йилдан буюн тугалланмасдан келаётган сув билан даволаш бўлими биносида таъмирлаш ишлари аяқланди ва ушбу замонавий шифо маскани 2005 йилнинг 30 мартдан фойдаланишга топширилиб, тиббий асбоб-ускуналар ҳамда юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминлаш учун қўшимча равишда 29 миллион сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2003 йилда эски, авария ҳолатидаги бинода 60 миллион сўмдан ортқ бюджетдан ташқари маблағ ҳисобига реконструкция ишларини амалга ошириб, замон талабларига мос равишда жиҳозланган ва архитектура тузилишига эга бўлган янги бинога кўчиб ўтди. Кейинги 3-4 йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Саломатлик институти Қорақалпоғистон Республикаси филиали, Республика тиббий статистика ва прогностика бюроси, Республика ўсмирлар маркази, Наркология диспансери, Республика ихтисослаштирилган микрохирургия илмий маркази Қорақалпоғистон Республикаси филиали ва Нўқус шаҳар 7-сонли поликлиникаси учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенга-

ри қарорига биноан алоҳида бинолар ажратилиб, вазирлик балансига бюджет харажатлари сарфланмасдан олиб берилди.

2002-2006 йиллар давомида тизимдаги муассасаларда ўтказилган ислохотлар ва реструкту-



ризация жараёнлари натижасида санитар талабларга жавоб бермайдиган 11 та қишлоқ участка шифохонасининг фаолияти тугатилиб, улар ўрнига 10 та қишлоқ врачлик пунктлари ва 1 та қишлоқ врачлик амбулаторияси ташкил қилинди. Шу билан бир қаторда амбулатория-поликлиника шароитида аҳолига тиббий хизмат кўрсатувчи муассасалар сони 228 тадан 247 тага кўпайди. 2001 йилда амбулатория-поликлиника муассасаларининг бир кунда қабул қилиш қуввати 20842 тани ташкил қилган бўлса, 2006 йилга келиб, бу кўрсаткич 1003 тага кўпайди, яъни 21845 тани ташкил қилади. Мавжуд амбулатория-поликлиника муассасаларининг 138 таси қишлоқ врачлик пунктлари бўлиб, шундан 62 таси янги қурилиш ҳисобига, 76 таси эса қайта ихтисослаштириш ҳисобига ташкил этилди. Уларнинг 108 таси Бутунжаҳон банкининг «Саломатлик-1» лойиҳаси доирасида 1- ва 2-транс буйича 43 турдаги 1 миллиард 170 миллион 697 минг сўмлик замонавий тиббий асбоб-ускуна ва жиҳозлар билан таъминланди. 2004-2005 йиллар давомида фойдаланишга топширилган ва 2006 йилда фойдаланишга топшириладиган барча қишлоқ врачлик пунктлари «Саломатлик-2» лойиҳасига киритилиб, 2006 йилда замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Бундан ташқари, сўнгги 4 йил давомида 66 та қишлоқ врачлик пункти ташкил қилиниб, уларнинг 21 таси янги

Қоғамийлар ва шифокорлар йилида Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимида аҳоли саломатлигини яхшилаш ва муҳофизат қилиш борасида кўплаб ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 10 ноябрдаги 2107-сонли «Соғлиқни сақлаш тизimini ислох қилиши Давлат дастури туғрисида»ги Фармони ижроси бўйича, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 январдаги 30-сонли «Синхат-саломатлик йили Давлат дастури ҳақида»ги Қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 23 январдаги ПФ-266-сонли «Қоғамийлар ва шифокорлар йили» дастури бўйича ўтган давр мобайнида муваффақиятли ишлар олиб борилди.

қурилиш ҳисобига, 45 таси эса мавжуд амбулатория-поликлиника муассасаларини қайта ихтисослаштириш ҳисобига бунёд этилди. Режадаги 127 та қишлоқ врачлик пункти ўрнига 138 ташкил қилиниб, 2002 йилгача бўлган режадан ортда қолиш тўлалигича бартараф этилди ва Давлат дастурида белгиланган режа 108 фоиз бажарилди. Шу давр мобайнида авария ҳолатидаги ва санитар талабларга жавоб бермайдиган 134 та фельдшер-акушерлик пункти қисқартирилиб, улар ўрнига қишлоқ врачлик пунктлари фаолият кўрсата бошлади. Шунингдек, 29 та қишлоқ врачлик амбулаториялари ҳам ҚВПга айлантирилди. Ҳозирги кунда қолган 21 та қишлоқ врачлик амбулаторияларида ҳомийлар ҳамда маҳаллий ҳокимият-

фоҳоналарига берилди. Бундан ташқари, 14 та шаҳар ва туман марказий шифохоналарининг клиник, биохимик лабораториялари лойиҳа маблағлари ҳисобига, яъни 215217 АҚШ доллари қийматидаги замонавий лаборатория асбоб-ускуналар ва зарурий реактивлар билан таъминланди. Бунинг натижасида ушбу масканларнинг лабораториялари ривожланган клиникалар даражасида хизмат кўрсатиш имкониятига эга бўлди. Хорижий давлатлар ва республикамизнинг етакчи мутахассислари келиб, барча шаҳар ва туман шифохоналари ҳамда ҚВПлардаги лаборант кадрларининг мазкур замонавий технологияларда ишлашга ўргатишди.

2003 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги 27 та шифо масканида 325 миллион 577 минг сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилиб, даволаш-профилактика муассасалари 47 миллион 671 минг сўмлик тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. 2004 йилгача бюджет маблағлари ҳисобидан ўтказилган таъмирлаш ишлари республикамиздаги барча туман муассасаларига тақсимланиб, номарказлашган усулда бажарилган бўлса, 2004 йилдан бошлаб бу мақсадлар учун ажратилган бюджет маблағлари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Фармойишига асосан Соғлиқни сақлаш вазирлигида марказлаштирилиб, шу йили 24 та муассасада 513 миллион 649 минг 900 сўмлик капитал таъмирлаш ишлари бажарилди ва 208 миллион 620 минг сўмлик тиббий асбоб-ускуналар билан таъминланди. 2005 йил 503 миллион 560 минг сўмлик капитал таъмирлаш ишлари 24 та тиббий ёқ масканида амалга оширилиб, улар учун 324 миллион 130 минг сўмлик тиббий технологиялар бюджет маблағлари ҳисобига харид қилиниб, даволаш-профилакти-

ўрнатилди. Жумладан, Республика 1-сон клиник шифохонасига замон талабларига жавоб берадиган битта «сунъий буйрак» аппарати ўрнатилди. Бундай муолажага муҳтож бўлган беморлар республика марказига бормай, шу ернинг ўзида юқори малакали тиббий ёрдам олиш имкониятига эга бўлдилар. Шунингдек, ушбу шифохонанинг маслаҳат поликлиникаси 18,5 миллион сўмлик қаттиқ жиҳозлар билан таъминланди. Шаҳар ва туман шифохоналарига 6 та сунъий нафас олдириш ва 6 та ультраговуш ёрдамида текшириш аппаратлари келтирилди. Республика кардиология диспансери учун 55,5 миллион сўмлик «Холтер» типидagi сутка давомида юрак фаолиятини узлуксиз ўргатиш учун монитор, «Стресс тест система», юрак қон-томирларини ультраговуш ёрдамида ўрганадиган «Сономед-500» русумли «Эхотамоскоп» аппаратлари ўрнатилди, аниқ ва тўғри таъхис қўйиш имкониятига эга бўлди. Бундан ташқари, диспансер бюджет маблағи ҳисобига 26,214 миллион сўмлик қаттиқ жиҳозлар билан таъминланди. Республика қон қуйиш станциясига донор қонидаги юқумли касалликларни аниқлаш учун ишлатиладиган 9 миллион сўмлик «Мультикан» аппарати бюджет маблағи ҳисобидан келтирилди. 2004 йил республикамиз бюджет маблағларидан самарали фойдаланиб, Республика кардиология диспансери 200 миллион, Республика ўсмирлар маркази 30 миллион, Республика руҳий касалликлар диспансери 40 миллион сўмлик капитал ёрдам ҳисобидан юмшоқ ва қаттиқ жиҳозлар билан таъминланди. Республика наркология диспансерига 10 миллион сўмлик қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар қайта тақсимлаш йўли билан, 2 миллион сўмлик



тика муассасаларининг моддий-техник базаси мустаҳкамланди. Республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги даволаш-профилактика муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида бюджет маблағларини марказлаштириш ҳисобига 224,707 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар олиниб, мазкур муассасаларга

юмшоқ жиҳозлар эса гуманитар ёрдам ҳисобидан берилди. 2006 йилнинг биринчи чорағида эса, бюджет маблағлари ҳисобидан 9 миллион сўмлик биологик муҳитларда наркотик воситаларни аниқловчи «Искови-1» анализатори билан таъминланди. Бундан ташқари, жо-

(Давоми 7-бетда).

МАҚСАДЛАР МУШТАРАКЛИГИ

рий йилда диспансер биносида бюджет маблаг ҳисобига 10 миллион, ҳомийлар маблаглари ҳисобига эса 40 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишларининг бажарилиши режалаштирилган.

Натижада, мазкур муассасаларда беморларни қабул қилиш ва даволаш учун кулай шароитлар яратилди. Республика ўсмирлар марказига қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар сотиб олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси раҳбарияти ёрдамида қўшимча 15 миллион сўм бюджетдан ташқари маблаг жалб қилинди. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан эса 18 миллион сўмдан ортиқ замонвий эндоскопия ва бошқа аппаратлар ажратилди. Республикамиз пойтахти Нукус шаҳридаги 5-сонли поликлиника базасида оилавий поликлиника ташкил қилиниб, 10 миллион сўмлик тиббий асбоб-ускуналар, қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар ҳомийлар ва бюджетдан ташқари маблагларни жалб қилиш ҳисобига сотиб олинди, ушбу поликлиника янги бинога кўчирилди. Соғлиқни сақлаш тизимининг асосий йўналиши бўлган шошилиқ тез тиббий ёрдам муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилди. 2002 йилнинг январь ойидан Республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий маркази Нукус шаҳар филиали ва унинг туманлардаги бўлимлари фаолият кўрсата бошлади. 2005-2006 йиллар давомида Республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий маркази Нукус шаҳар филиалининг III корпус биносида 340 миллион сўмлик бюджет ва 43 миллион сўмлик бюджетдан ташқари маблаглар ҳисобига капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, жорий йилнинг 23 май кунини фойдаланишга топширилди. Шу билан бирга ҳомийлар томонидан 25 миллион сўмлик қаттиқ ва юмшоқ жиҳозлар билан таъминланди. Ўтган 4 йил давомида вазирлик тизимидаги тиббиёт муассасаларига 56 та янги транспорт (18 та санитар автотранспорт 93 миллион 137 минг 161 сўмлик «Саломатлик-1» лойиҳаси маблагларига,

олинди. 2003-2005 йиллар давомида Нукус шаҳрининг 16 та туманидаги тез ёрдам хизмати биноларида капитал таъмирлаш ва реконструкция ишлари бажарилиб, 170 миллион сўмдан ортиқ бюджет маблаглари сарфланди. Филиал ва унинг туманлардаги субфилиалларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида 20 миллион 342 минг сўмлик қаттиқ жиҳозлар олинди ва 35 миллион 774 минг сўмлик радио алоқа воситалари, шунингдек, «Саломатлик-1» лойиҳаси маблаглари ҳисобига ФЭГДС, нейрохирургик лупа, экзонцефалограф, операцион-реанимацион кордиомонитор ва УЗИ аппаратлари олинди. Бундан ташқари тизимдаги мавжуд тиббий асбоб-ускуналарни қайта тақсимлаш йўли билан 35 турдаги, шу жумладан, 5 турдаги Япония ҳукумати гранти ҳисобига республикадаги ДПМга келтирилган ва тўла қувват билан ишлатилмаётган технологиялар Республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиалига берилди. Шу билан бир қаторда Республика шошилиқ тиббий ёрдам илмий маркази Нукус филиали 2006 йилда Ислон тараққиёти банки кредити ҳисобига 800 минг АҚШ доллари ҳажмидаги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш дастурга киритилган.

Президентимиз ва Республикамиз ҳукумати томонидан қабул қилинган давлат дастурлари ихросига ижодий ёндошуви натижасида 2004-2005 йилларда республикадаги 250 дан ортиқ кам таъминланган фуқаро ва ногиронларга сунъий кўз гавҳари қўйилди. Бунинг учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши заҳира жамғармасидан 5 миллион сўмдан ортиқ маблаг сарфланди. 1-сон Республика сил касалликлари диспансери биносининг канализация ва сув билан таъминлаш тизими халқаро ташкилотлар ёрдамида янгиланди, диспансернинг ўпқадан ташқари сил ва болалар бўлимида «CAFE-Нукус» гуманитар ташкилоти томонидан 50 миллион сўмлик капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Республика «Она ва бола саломатлигини тиклаш» шифохонаси ўрнига «Чегарасиз шифокорлар» халқаро нодавлат гуманитар ташкилоти билан ҳамкорликда грант маблаглари ҳисобига сил касалли-

ускунаси ўрнатилди. 4 та «Небулайзер», 2 та кислород концентратор харид қилинди, бактериологик лаборатория учун эса аниқ ва тўғри ташхис қўйиш ҳамда беморларга сифатли тиббий ёрдам кўрсатиш мақсадида «ВАКТЕК-МЛТ» аппарати ўрнатилди. 1-сон республика силга қарши курашиш диспансери учун эса бир донна стационар флюоро аппарати олинди. Американинг «CDC» ташкилоти томонидан «Сил ҳолати назорати ва юритилишининг электрон тизими» жорий этилиб, диспансернинг ахборот-коммуникация тизими такомиллашди. Бу мақсадлар учун 55903 АҚШ доллари ва 47 миллион сўм «Чегарасиз шифокорлар» халқаро нодавлат ва нотижорат ташкилоти маблаглари, 12 миллион сўм бюджетдан ташқари маблаглар ва 34 миллион сўм бюджет маблаглари сарф қилинди. Бунинг натижасида сил касалликларига ташхис қўйиш лабораториялари ва рентгенофлюоро кабинетлари имконияти яхшиланди. 2006 йилнинг I чораги давомида диспансерда 30 ўринлик сил касаллигининг полирезистент турини даволашга ихтисослашган бўлим таъмирлаш ишлари ҳомийлар томонидан бажарилиб, 2006 йил



болалар ўлими йилдан-йилга камайиб келмоқда. Республикада туғиш кўрсаткичи (ҳар минг аҳолига нисбатан) 21,8-20,6 промиллига, умумий ўлим кўрсаткичи 5,9 фоиздан – 5,8 фоизга, ногиронлик кўрсаткичи эса 35,2 фоиздан – 22,0 фоизга камайишига эришилди.

Давлат дастурида белгиланган 3 та тиббиёт билим юрти тиббиёт коллежига айлантирилиб, 2001-2005 йиллар давомида 3 та

2006 йилнинг ўтган даври ичида эса 342 нафар шифокор Тошкент врачлар малакасини ошириш институтига ўз билимларини бойитиб қайтишди. 2002-2006 йиллар мобайнида Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг 17 мартаба сайёр малака ошириш цикли ташкил қилинди. Бундан ташқари, 20 нафар врач ҳамдўстлик мамлакатларининг марказий клиникаларида, 1 нафар врач Туркия мамлакатига малака ошириб келишга муваффақ бўлишди. Қорақалпоғистонлик ҳамшира Ўзбекистон Республикаси бўйича «Ҳамшира – 2002» кўрик-танловига биринчи ўринни эгаллаб, ҳозирги кунда Тошкент тиббиёт академиясининг 3-курсига тахсил олмақда. «Ҳамшира – 2003», «Ҳамшира – 2004» кўрик-танловига ҳамшираларимиз 2-ўринни, «Ҳамшира – 2005» кўрик-танловига эса 3-ўринни эгаллашга сазовор бўлишди.

Халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик ишлари яхши йўлга қўйилганиги сабабли Республика соғлиқни сақлаш тизимида кейинги 4 йил ичида халқаро ташкилотлар гуманитар ёрдамлари, грантлар ва кредит маблаглари жалб қилиш борасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди. 2002 йили Япония ҳукуматининг қўллаб-қувватлаши натижасида Бирлашган Миллатлар ташкилоти болалар жамғармаси томонидан «Кургоқчил оқибатларини енгилаштириш, Соғлиқни сақлаш ва овқатланиш» лойиҳаси доирасида республикамиз билан ҳамкорликдаги даволаш-профилактика ва давлат санитария-эпидемиология назорат маркази муассасаларига 1 миллион 100 минг АҚШ доллари ҳажмидаги моддий ёрдам келтирилди. Шунингдек, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти Европа проект бюроси томонидан бирламчи медикосанитар хизматни мустаҳкамлаш ва тоза ичимлик суви билан таъминлашни яхшилаш лойиҳаси бўйича Бельгия ҳукумати маблаглари ҳисобига 58129,62 евро доридармон ва тиббий асбоб-ускуналар келтирилди. Тизимни ислоҳ қилиш Давлат дастури йўналишларидан бири бўлган аҳолига пуллик тиббий хизмат кўрсатиш 2001 йилга нисбатан 2005 йилда республикадаги давлат даволаш-профилактика муассасаларида уч баробар кўпайди. 2001 йилда аҳоли жон бошига 54 сўмдан пуллик тиббий хизмат кўрсатилган бўлса, 2003 йилда 93 сўм, 2004 йилда 140,4 сўм, 2005 йилда эса бу кўрсаткич ўртача 168,7 сўмга тўғри келди.

Тизимни кадрлар билан таъминлашни яхшилаш бўйича республикада олиб борилётган тadbирлар натижасида Тошкент тиббиёт педиатрия институтини Нукус филиалида 2004 йилдан санитария-гигиена соҳаси бўйича врачлар ва олий тоифали ҳамширалар тайёрлаш бўлимлари ташкил қилинди. Бутунжаҳон банкининг «Саломатлик-1» лойиҳаси билан ҳамкорликда ушбу институт филиали қошида умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш ўқув маркази ташкил қилиниб, 2003-2004 йиллар давомида 25 нафар врач, 2004-2005 йилларда эса 40 нафар врач 10 ойлик умумий амалиёт шифокорларини тайёрлаш курсида ўқитилган бўлса, 2005-2006 ўқув йилида ҳам 40 нафар врач 10 ойлик ўқув курсида тахсил олмақда.

2001 йилда тоифали врачлар 30 фоизни ташкил этган бўлса, 2006 йилга келиб бу кўрсаткич 40,3 фоизга етди. Врачларнинг малакасини ошириш ҳам йилдан-йилга яхшиланимда. Жумладан, 2000 йили 240 нафар врач малака оширган, 2002-2004 йиллар давомида 500 дан ортиқ, 2005 йилда 662 нафар,



1 апрелдан фаолият юрита бошлади. Нукус шаҳар Қиз кетган полёккасида жойлашган катталар сил касаллигига қарши кураш санаторийси сил касалликларини даволаш 3-сонли республика сил касалликлари шифохонасига айлантирилди ва бюджет маблаглари ҳисобига 20 миллион сўмлик таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Республика болалар сил касалликларига қарши курашиш санаториясига қарашли мактаб биноси Британия ҳукумати элчихонаси грант маблаглари ҳисобига таъмирланди. Туманлардаги сил касаллигини даволашга ихтисослашган ўринлар сони, мавжуд ўринларни реструктуризация қилиш ҳисобига 150 тага кўпайтирилди. Эллиққалъа туманида сил касалликлари диспансери капитал таъмирланди, Тўрткўл, Беруний, Амударё, Қўнғирот туманларида сил касалликлари диспансери учун алоҳида бино ажратилиб, улардаги ўринлар сони оширилди. Амалга оширилган тadbирлар натижасида сил касаллиги билан касалланиш кўрсаткичи 183 тадан 138 тага камайишига эришилди. Шунингдек, оналар ва болалар саломатлигини яхшилаш бўйича Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти тавсия қилган «Болаларни омон сақлаб қолиш», «Хавфсиз оналик», «Хавфсиз иммунизация», «Болалар касалликларини интеграллаш усулида олиб бориш», «Камқонликнинг олдини олиш», «5 ёшгача болаларнинг жисмоний ривожланиш мониторингини», «Евро ЭИД/ТАСИС» дастурларини амалга ошириш натижасида оналар ва



марказлашган бюджет маблаглари ҳисобига 20 та санитар автомашина, ҳомийлар маблагларига 10 та «Дамас-Амбуланс» русумли тез ёрдам машинаси, 3 та санитар автотранспорт гуманитар ёрдам ҳисобидан, 5 та автотранспорт тиббиёт коллежлари бюджетдан ташқари маблаглари ҳисобига)

гининг мавжуд химиотерапевтик воситаларига чидамли бўлган турини даволашга сил касалликлари шифохонаси 2003 йилда ташкил қилинди. Ушбу муассаса тўла реконструкция қилиниб, замонавий тиббий диагностика ускуналари билан таъминланди. 2005 йилда 20-сонли сил касалликларига қарши курашиш шифохонасида қўшимча бинолар қурилди, иситиш тизими учун «Фералли»

(Давоми. Боши 6-бетда).

Азиз юртдошлар! Сизларни Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 15 йиллиги билан чин қалбидан муборакбод этиб, сихат-саломатлик, бахт-саодат ва келгуси ишларингизда улкан зафарлар тилайман.

31 август — Қатагон қурбонларини ёд этиш куни

ХАЛҚ ЮРАГИДАГИ
ВУЛҚОН

Мустақиллик — олий неъмат, олий саодат йўлида неча жонлар шаҳид кетганлигини, эзу орзу илинжида озодлик, хурлик шамолини асрлар оша кутган қахрамон авлодларимизни бугун кўзда ёш, ёрқин хотира ила ёд этажамиз. Дарҳақиқат, Ватан тинчлиги, юрт фаробонлиги учун жон фидо этган, керак бўлса оиласи, ширин ҳаётидан воз кечиб, халқ юрагидан вулқон каби отилиб чиққан, Мустақиллик шаъни, ҳудратини сўнги нафаси қолгунча курашиб энган қатагон қурбонлари — Бехбудий, Қодирий, Чўлпонлару Фитратлар ёди ҳамон тарих саҳифаларида ўчмас муҳр бўлиб келмоқда.

Бугун Мустақилликнинг 15 йиллиги. Бу нашида эса ҳаммамизники. Мардларча қурбон бўлган қахрамон фарзандларимиз ҳоки-пойини муқаддас тутиш учун барпо этилган шаҳидлар хийбони зўё тарих зарварақларини қайта тиклаб, авлодлар руҳини зиёрат қилишдек бахтга барчамизни муяссар этади.

Шеърят

ҚАЛБЛАРДА ЮРТ ТУЙҒУСИ

БУЮК КЕЛАЖАГИНГА
ЁТГУМ КЕЛУР

Мустақил юртим чиройли, боғларинг кўркам,
Кўпни кўрган мўйсифид, тоғларинг кўркам.
Жаҳонни лол қолдирган, чоғларинг кўркам,
Гардингни кўзга тўтиё этгум келур,
Буюк келажагинга етгум келур.

Сен мозийда ягона, дурдонасан,
Бунёдкорлик бобида бир донасан.
Андижону Наманган, Фарғонасан,
Гардингни кўзга тўтиё этгум келур,
Буюк келажагинга етгум келур.

Оламга машҳур ДЭУ, Отайўлинг бор,
Тинч-тотувликка кўйган мангу кўлим бор.
Аждодларим руҳида, сўлмас гулим бор,
Гардингни кўзга тўтиё этгум келур,
Буюк келажагинга етгум келур.

Самарқандим сайқали, жаҳонга гул тож,
Бухоро-ю, Хоразм замонга гул тож.
Жиззаху Навоий давронга гул тож,
Гардингни кўзга тўтиё этгум келур,
Буюк келажагинга етгум келур.

Қорақалпоқ, Термиз, Денов, Сирдарё,
Қашқадарё, кўк дала, бир гулираёно.
Юртим Юртбошинга минг-минг тасанно,
Гардингни кўзга тўтиё этгум келур,
Буюк келажагинга етгум келур.

Амир Темурнинг руҳи белга мададдир,
Шунинг учун ўзбегим кўли баланддир.
Жалол Турдий куйлагай, тиллар қанддир,
Гардингни кўзга тўтиё этгум келур,
Буюк келажагинга етгум келур.

Жалолиддин ТУРДИЕВ,
«Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими», Ўзбекистон журналистлар уюшмаси
аъзоси, уруш ва меҳнат фахрийси.

ИСТИҚЛОЛИМ

Истиқлолим ўн беш яшарим, бир мохитобондир ўзи,
Исми-ю жисми мукамал, шохи сарбондир ўзи.
Бахти икболи муқаррар, мўътабар шондир ўзи,
Эл учун меҳри муяссар, шавкату шондир ўзи.
Боғу роғи хуш ҳаво, мисли гулистондир ўзи,
Кўксиде Ислом шуури, боқий бир жондир ўзи.

Мухтарам ҲАМИДОВА,
профессор.

ЎЗБЕКНИНГ

Аллоҳнинг меҳрибон нигоҳи тушган
Жаннатдай макони бордир Ўзбекнинг.
Кўёш, ой талашган, юлдуз талашган,
Мусаффо осмони бордир Ўзбекнинг.


Тарих — бир мўйсифид йўлчидир, тиксўз,
Унинг ҳар одими — бир аср шаксиз,
Унга гоҳ юзма-юз, гоҳ изма-из,
Туганмас замони бордир Ўзбекнинг.

Тил — кимга бир парча этдир суяксиз,
Тил — дилдир ўзбекка, ҳаётдир шаксиз.
Уни кесмоқ бўлди кимдир пичоқсиз,
Кесилмас забони бордир Ўзбекнинг.

Луқмаи ҳалолга қаноат қилган,
Инсон — зоти шариф, толеи кулган.
Ҳалолу ҳаромни уқтириб келган
Муқаддас Қуръони бордир Ўзбекнинг.

Ҳиммати бор не бир халқ тан бергудай,
Кўнгли пахтадай оқ, бўшдир паркудай.
Бутун ер юзини кийинтиргудай
Ададсиз имкони бордир Ўзбекнинг.

Сағир кўрса бағрин очган «болам» деб,
Кунли тунга улар «богим-далам» деб,
Тинчлик бўлсин, тинч бўлсин бу олам деб,
Ягона армони бордир Ўзбекнинг.



Ҳар жоннинг манглайин силаб тургучи,
Келардан-кетардан сўйлаб тургучи,
Етти пуштигача кўлаб тургучи
Ул сохибкирони бордир Ўзбекнинг.

Авлодларни бахтли қилмоғи учун,
Озод, обод Ватан қолмоғи учун,
Келажаги буюк бўлмоғи учун,
Кўп олий Фармони бордир Ўзбекнинг.


«Ўзбегим — ўз оғам» дея кўп берган,
Бир-бировин ҳурмат қилган, йўл берган.
Мард ва танти халқ — қорақалпоқ деган
Боври, қадрдони бордир Ўзбекнинг.

Топган-тутганлари тўйга буюргай,
Борини ҳайит, байрам, тўйга совургай.
Бугун ҳар маҳалла, ҳар ғўшада шай
Байрам дастурхони бордир Ўзбекнинг.

Дунё харитасин нақши, турфаранг,
Даврларда ўрни тўрда, муҳтарам,
Навқирон ва азим, гўзал, муқаррам,
Хур Ўзбекистони бордир Ўзбекнинг!

Мансур АХМЕДОВ.

Тошкент вилояти дезинфекция станция-
си жамоаси вилоят дезинфекция станция-
си ходими Рузमत Дўсमतова отаси
Қурбон ота ДўСМАТОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия
билдиради.



Газета муассиси:

Ўзбекистон
Республикаси
соғлиқни сақлаш
вазирлиги

Бош муҳаррир: Нодир ШАРАПОВ
Ижрочи муҳаррир: Ибодат СОАТОВА

Таҳрир ҳайъати раиси:
Феруз НАЗИРОВ

Таҳрир ҳайъати аъзолари:
Бобур Алимов, Гавҳар Исмолова, Омонтурди Миртозаев,
Озода Муҳитдинова, Миржалол Миралиев (Бош муҳар-
рир ўринбосари), Бахтиёр Ниёзматов, Абдурахмон
Носиров, Нурмат Отабеков, Холмурод Раббаев, Рихси
Салихўжаева, Намоз Толипов, Маряш Турумбетова,
Абдулла Убайдуллаев, Фарҳод Фузайлов.

Манзилимиз: 700060, Тошкент шаҳри, Охунбоев кўчаси, 30-уй, 2-қават.
Тел/факс: 133-57-73, тел.: 133-13-22.

Газета Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 2005 йилнинг 17
ноябрь куни руйхатга олинган. ғувоҳнома рақами 211.

Ўзбек ва рус тилларида чоп этилади. Ҳафтанинг сешанба кунлари чиқади. Мақолалар
кўчириб босилганда «Ўзбекистонда соғлиқни сақлаш — Здравоохранение Ўзбекистана» газета-
сидан олинди, деб кўрсатилиши шарт. Адади 6850 нуска. Буюртма Г-1051.

Газета «ШАРҚ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Газета ҳажми 2 босма табоқ. Формати А3. Офсет усулида босилган.

Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон
берувчилар масъулдир.

Саҳифаловчи: Бахтиёр КҲШОКОВ.
Оператор-дизайнер: Намоз ТОЛИПОВ.
Босмахонага топшириш вақти — 20.00.